

ЁШЛАР МУАММОЛАРИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Вилоят ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари Хабибон Сирожитдинов ва Кўштепа тумани ҳокими Анваржон Абдуллаевлар Истиқбол маҳалласида яшовчи 10 нафардан ортиқ алоҳида тоифадаги ёшлар билан учрашди ва уларни қийнаб келаётган муаммо ҳамда камчиликларини эшитишиди.

Ёшларнинг муаммоларини ҳал қилиш ва салоҳиятини юзага чиқариш, уларнинг бандлигини таъминлаш, замонавий касб-хунарлар ва тадбиркорликка жалб этиш, ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш масаласи очиқ мулоқот шаклида ўтган учрашувнинг бош мақсади бўлди.

Учрашув давомида ёшлар томонидан билдирилган ҳар бир муаммолар батафсил муҳокама этилиб, уларнинг баъзиларига шу ернинг ўзида ечим топилган бўлса, бажарилиши муддат талаб этадиган айrim масалаларнинг ижобий ечими юзасидан масъулларга аниқ топшириқ берилиб, ижроси назоратга олинди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2024-04-30 17:03:04